

Таълим тизимида ижтимоий – гуманитар фанлар

**И.Каримов номидаги Тошкент давлат
техника университетининг
90 йиллигига
багишланган**

Махсус сон

ISSN 2181-7286

Тошкент – 2020

Илмий-методологик ва илмий-услубий журнал 2002 йилдан бошлаб чиқа
бошлаган, йилига 4 марта чоп этилади.

Таъсисчи:

И.КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Бош мұхаррир

и.ф.д., проф. А.Қодиров

Бош мұхаррир ўринбосари

доц. А. Мирзаев

Масъул котиб

доц. М.И. Сайдкаримова

Жамоатчилик кенгашы:

Проф. С. М. Турабджанов (раис), проф. О.О. Зарипов, проф. Т.М. Ахмедов, д.т.н.
Нематов Ш., проф. Н.Ф. Зикриллаев

Таҳрир ҳайъати:

Проф. Х.П. Абулқосимов, проф. А.А. Хошимов, проф. А.И. Архипов, проф. И.
Эргашев, проф С. Отамуродов., проф Н. Жўраев, проф. Р.Самаров, проф. М.
Мирқосимова, проф. У. Махкамов. проф. М. Бекмуродов, проф. Очилов А.О,
с.ф.д., проф. Пахрутдинов Ш.И, доц. Д.И. Рузиева, доц. А.Ч. Бобоев, доц. Х.Х.
Режапов, доц. О.Ю. Усмонова, доц. Н.А. Қудратходжаева.

Таҳририят манзили:

100095, Тошкент - 95, Университет кўчаси, 2. тел:71:2271204, www.tdtu.uz E-mail: Ijtimoiy-fanlar@rambler.ru Телеграм 90:9288572

**Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатга
олинган, 2007 йил 22 январь, № 0205 сонли гувоҳнома.**

**ISSN 2181-7286. Иқтисод бўлими ОАК рўйхатига 2019 йил 1 январдан,
Педагогика ва психология булими 2019 йил 25 июндан киритилган**

Журналда маълумотлар босилганда далиллар кўрсатилиши шарт. Журналда чоп
этилган маълумот ва келтирилган далилларнинг аниқлиги учун муаллиф
жавобгардир.

Одилов К. Таълим тараққиёти ва учинчи ренессанс.....	109
Эргашев О. Ахборот технологияларининг фалсафий асосларини талабаларга тушунтиришда педагогик ва методологик тамойиллар уйғуналиги.....	114
Gofforov Z. Z. Muhammad kashg‘oriy ilmiy merosi va unda “munyatul musolli va g‘unyatul mutbadi” asarining o‘rni.....	119

ИҚТИСОД

Абдуллаев А., Абдуллаев Б.А., Бурхонова М. Хорижий тажрибаларни тизимли таҳлили асосида рақамли иқтисодиёт марказларини яратиш ва бошқариш истиқболлари.....	123
Абдуллаев Б.А. Инновация фаолиятини бошқаришнинг хусусиятлари ва кластер усулида талқини.....	127
Аъзамов С.М. Пандемия шароитида корхона инқизозини олдини олишда персонални бошқариш механизмидан самарали фойдаланиш.....	131
Ахунов М.А. Маҳаллада тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий аҳамияти.....	135
Айсачев А.А. Миллий иқтисодиётда қишлоқ хўжалиги тармоғининг ўрни ва ўзига хос хусусиятлари.....	140
Абдумўминов А.А. Инновацион иқтисодиёт шаклланишининг назарий асослари.....	145
Абдурахимова Ф.Т. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик тузилмалари рақобатбардошлиги даражасининг ошириш усуллари.....	148
Абдурахмонов В.Ғ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда якка тадбиркорлик фаолиятига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари (андижон вилояти мисолида).....	152
Абдуллаев М.Г. Саноат корхоналарида персонални бошқаришни такомиллаштириш.....	158
Дадабоева М.М. Рақамли моделлаштириш ва рақамли иқтисодиёт.....	163
Djabborov A.R. Axmedov Sh.B. Iqtisodiy yo‘nalishlarda zamonaviy matematik ta`limning dolzARB muammoları.....	166
Дадажонова М.М. Замонавий корхоналарда ходимларини самарали бошқаришда япония тажрибасидан фойдаланиш масалалари.....	170
Дадажонова М.М. Саноат корхоналарида тижорат менежментини шакллантириш асослари.....	175
Sirojiddinova F.X. Ishlab chiqarish korxonasi mustahkamligini ta’sirlash omillari.....	181
Сатвалдиев А.А. Тадбиркор ва раҳбар аёлларнинг имиджини шакллантирувчи гендер сифатлар таҳлили.....	184
Сотволдиев А.А., Холбеков У.А. Ҳалқаро савдонинг либераллаштирувини иқтисодий ўсишга таъсири.....	188
Сайдова М.Ж. Фойдали иш коэффициенти юқори, ишлаш учун кулаги цехларни яратиш масалалари.....	193
Сафина Н.Т., Абдукаримов Б.Г. O‘zbekiston respublikasining export salohiyatini rivojlantirish.....	196

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

- 1.O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi .. / O’zbekiston Milliy Axborot Agentligi .. 20.01. Fevral 2020
2. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy ko’rib chiqish, qat’iy intizom va shaxsiy javobgarlik har bir rahbarning kundalik qoidasi bo’lishi kerak. 2016 yilda mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo’ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo’nalishlari bo'yicha Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan yig'ilishining ma'ruzasi - T.: O’zbekiston, 2017 y. - 104 b.
3. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining "O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida" gi Farmoni. / Rasmiy nashr / O’zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi.-Toshkent: "Adliya", 2018. -S.22-23
4. Boymurodov. N. Rahbar psixologiyasi.-Toshkent “Yangi asr avlod”, 2016.

УДК: 614.8.015

ТАДБИРКОР ВА РАҲБАР АЁЛЛАРНИНГ ИМИДЖИНИИ ШАКЛАНТИРУВЧИ ГЕНДЕР СИФАТЛАР ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ ГЕНДЕРНЫХ КАЧЕСТВ, ФОРМИРУЮЩИХ ИМИДЖ ЖЕНЩИН-ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ И ЛИДЕРОВ

ANALYSIS OF GENDER QUALITIES SHAPING THE IMAGE OF WOMEN ENTREPRENEURS AND LEADERS

Сатвалдиев А.А (АндМИ катта ўқитувчиси)

Уибу мақолада хусусий ва оиласидаги тадбиркорликнинг ривожланишига омил бўлувчи ижтимоий психологияк сифатларнинг хотин-қиз тадбиркорлар ва раҳбарларда намоён бўлишининг тест сўровлари ва психологик методлари таҳлили натижалари ҳақида мулоҳазалар келтирилган.

Калитли сўзлар: психологик методика, респондентлар, кичик ва ўрта бизнес, психологик имидж, контент-анализ, профессионал фаолият.

В статье представлены отзывы о результатах тестовых опросов и анализа психологических методов проявления у женщин-предпринимателей и менеджеров социально-психологических качеств, которые являются факторами развития частного и семейного предпринимательства.

Ключевые слова: психологическая методология, респонденты, малый и средний бизнес, психологический имидж, контент-анализ, профессиональная деятельность.

The article presents reviews on the results of test polls and analysis of psychological methods of manifestation in women entrepreneurs and managers of social and psychological qualities, which are factors in the development of private and family entrepreneurship.

Key words: *psychological methodology, respondents, small and medium business, psychological image, content analysis, professional activity.*

Ўзбекистонда хусусий ва оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига омил бўлувчи ижтимоий психологияк сифатларнинг хотин-қиз тадбиркорлар ва раҳбарларда намоён бўлишининг ўзига хослигини ўрганамиз. Бунинг учун биз танлаб олинган объектларда тест сўровлари ва психологик услублардан фойдаландик. Энг аввало раҳбар аёлнинг имиджини, яъни, “Шахснинг жамият аъзолари томонидан ташқи қабул қилинувчи образи” [2] Бунинг учун танланган респондентларга очиқ савол билан мурожаат қилиб, “Бугуннинг тадбиркор бошқарувчи аёли ким, уни қадрлайдиган сифатлар” мавзусида кичик иншо ёздирик. Иншони ёзишга фақат 2-3 минутдан берилди ва унда камида 10 та шахсни қадрловчи сифат кўрсатилиши топширилди. Мақсадимиз – респондентлар улар айни пайтда хусусий ва оилавий тадбиркорликни билан шуғулланаётган хотин-қизлар ҳамда кичик ва ўрта бизнес соҳасида муваффақият билан фаолият юритаётган эркак бизнесменлар қисқа фурсатда миясига келган фикрлари оркали улар тан олаётган сифатлар – қадриялар қаторини шакллантириш бўлди. Ёзма иш хотин-қизлар ҳамда эркаклар ўртасида алоҳида-алоҳида шароитларда ўтказилди. Унда жами 100 нафар аёл ва 65 нафар эркак-тадбиркорлар қатнашдилар. Натижалар қиёсий таҳлил этилди.

Қиёсий анализда иншо матнлари контент-анализ услубида таҳлил қилинди. Контент-анализнинг категориялари ва уларни ифодаловчи яна қўшимча шахс хислатлари (категориялар ости сифатлар) сифатида ёзма баёнларда ифодаланган айрим сўзлар ва сўз бирикмалари хизмат қилди. Қисқа фурсатда ёзиб чиқилган категорияларни таҳлилидан шу нарса маълум бўлди, хотин-қизлар тўлдирган анкеталарда келтирилган сўзлар ва жумлалар сони эркакларнидан икки баробар кўп эканлиги маълум бўлди. Бундан биз қўйидагича хуносалар чиқардик:

- а) хотин-қизлар ўзларига оид фикр сўралганда луғавий заҳиралари эркакларнидан анча бой ва сермазмун;
- б) хотин-қизлар профессионал фаолиятда ҳам, раҳбарлик фаолиятида ҳам барибири эркакларга нисбатан олганда шахсий фазилатларга кўпроқ эътиборли;
- в) аёллар ўзлари ҳис қилган ва кузатган ижтимоий ходисаларни ўз тасаввурлари оламида кўпроқ сақлашга мойил;
- г) эркакларнинг фикрлаш тарзларида конкретлилик ва аниқлик устувор.

Бу каби маълумотлар дастлабки иншо натижалари бўлиб, матнлар ҳажми ва уларнинг ўз вақтида изҳор қилиниши нуқтаи назардан биз шундай фикрга келдик. Қуйида биз контент-анализ учун танлаб олинган хотин-қизлар ва эркаклар жавобларида қайд этилган сифатларни келтирамиз.

Хотин-қизлар жавобларида қайд этилган сифатлар: оқила, ишчан, фаол, меҳрибон, ёқимтой, дилкаш, гўзал, жозибали, қатъий, шижаотли, бир сўзли, самимий, ақлли, иқтидорли, лобар, дангалчи, талабчан, кибрли, салобатли, одамлар кўнглини сўрайдиган, болажон, оиласпарвар, чидамли, меҳнаткаш, ўқимишли, ўзига бино қўйган, ораста, тартибли, интизомли, намунали хулқ эгаси, масъулиятли, чаққон, гапга чечан, ҳозиржавоб, ўз хукмини ўтказа оладиган, дунёқарashi кенг, мансабпараст, жонсарак, назокатли, иккюзламачи, вафодор, ўз фикрини ўтказувчи, нозик таъб. Ушбу сифатлар таъкидланганидек, хотин-қизлар тўлдирган вараклардан териб олинди, улардан ҳар бирининг неча маротаба қайтарилганлиги

махсус метод ёрдамида контент-анализ қилинди.

Күриб турганимиздек, биз топшириқда ҳозирги замон аёлини қадрлайдиган сифатлар деган жумлани киритиб, топшириқда фақат ижобий сифатларгина санаб ўтилишини кутган эдік, лекин респондентларнинг айримлари замонавий ўзбекистонлик тадбиркор сифатида мустақил фаолият юритаётган аёл қиёфасини берганда салбий саналған сифатларни, жумладан, “Кибрли”, “Ўзига бино қўйган”, “Мансабпаст”, “Иккиоzlамачи”, “Ўз фикрини ўтказадиган”, “Нозик таъб” каби сифатларни қўшиб келтирғанлар. Биз уларни ҳам инобатга олдик, зеро, бу сифатлар ҳам бир нечтадан анкеталарда баён этилган. Бизнинг фикримизча, бунда сўралувчиларнинг ўзлари асосан турли бўғинларда раҳбарлик лавозимларида ишлашларига қарамай, амалиётдан келиб чиқиб, раҳбар аёл имиджига хос сифатларни тўлароқ қамраб олганлар ва ассоциатив боғланишларнинг мазмунига кўра, миясига келган дастлабки фикрларни ёзиб кетаверганлар.

Энди эркакларнинг тадбиркор сифатида мустақил фаолият юритаётган аёл имиджига алоқадор сифатлар тўғрисидаги фикрларини таҳлил қиласиз. Эркакларнинг ўзлари ҳам ўз иш ўринларида раҳбарлик лавозимларида ишлашларига қарамай, берилган топшириққа масъулият билан ёндашганликларини ва улар аниқ белгиланган вақтда хотин-қизларга нисбатан камроқ сифатлар батареяси келтирған бўлсаларда, ҳар қалай тадқиқотимиз мантиғига жавоб берадиган фикрларни баён этдилар. Буларнинг 65 та ёзувлардан териб олинган жами сифатлар комплекси куйида келтирилди: эркин, мустақил фикрли, лобар, чиройли, салобатли, мағрур, назокатли, маданиятли, яхши сұхбатдош, ақлли, оқила, талабчан, ўзбошимча, тиришқоқ, фаол, дунёқараши кенг, ўқимишли, масъулиятли, сергап, режа кетидан кувадиган, қайсар, чўрткесар, тил топишадиган, келишувчан, модага қизиқкан, эгоист, лаганбардор, ёлғончи, лақма, иккиланувчан, ширинсўз, мақсадга интилувчан, мансабпаст, оилапарвар, фидоий, кўрқмас, дадил, сержаҳл, меҳнаткаш, иболи, иффатли, серзарда, манмансираган, сотқин, нафсга берилган, доно, зукко, ҳиссиётларга берилувчан, замонавий, шуҳратпаст, мулойим.

Сифатлар батареясининг ўзи ҳам бир қарашдаёқ, замонавий раҳбар аёлни улуғловчи сифатларни баён этиш топшириги берилганлигига қарамай, хотин-қизлар имиджи ассоциацияси кучли келган бўлса керак, эркаклар жавобида аёлларнинг ўзлари ҳақида ёзмаган сифатлар ҳам пайдо бўлганлигини, иккинчидан, хотин-қизларнинг ўзларига нисбатан эркакларда қарама-қарши жинс вакилаларига нисбатан анчагина танқидий установка мавжудлигини кўрсатиб турибди. Тўғри, бу сифатларнинг айримлари (масалан, “Сотқин”, “Лақма”, “Нафсга берилган” кабилар) таҳлил қилинган материалларда фақат бир маротабадан келтирилган, лекин бу факт ҳам маълум мулоҳазаларга олиб келади. Бу қарама-қарши жинс вакилига нисбатан салбий ижтимоий установкалар ва ижтимоий тасаввурларнинг борлигидан дарак беради. Лекин биз тадқиқотимиз мақсадларидан келиб чиқиб, контент-анализ натижасида энг кўп маротаба қайтарилган ва статистик аҳамиятли маълумотларнигина ўргандик ва иккала жинс вакиллари фикрларини солиштиридик.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ёзма матнлар контент-анализ қилинди, унинг мезони сифатида эркаклар ҳамда хотин-қизлар жавобларида келтирилган айрим алоҳида сифатлар қабул қилинди ва қуйидаги формула ёрдамида ушбу категория-сифатларнинг қайтарилиш даражаси аниқ ҳисоблаб чиқилди.

$$\text{Ч (абс)} = \frac{\text{К(А)}}{\text{К (общ)}} \times 100\%,$$

К (общ)

бу ерда,

Ч (абс) – эркаклар ёки аёллар жавобларида у ёки бу категорияларнинг қайтарилиш нисбати;

К(А) – у ёки бу конкрет категориянинг алохida жавобларда қайтарилиши кўрсатгичи, масалан, “Фаол” категориясининг неча марта қайд этилганлиги; К(ум.) – категорияларнинг жами қайд этилган сони. У ёки бу категориянинг қайтарилиши кўрсатгичи қанчалик 1,0 га яқин бўлса, демак унинг салмоғи бошқа категориялар ичida юқори бўлади, ва аксинча.

Хотин-қизларнинг жавобларига келсак, уларда ҳам ижтимоий перцепциянинг ташқи элементларини эътироф этиш холатлари мавжуд. Энг кўп марта қайд этилган рейтинги баланд жавобларда бевосита имидж яратувчи сифатлар деярли бўлмаса-да, умуман берилган қолган жавобларда уларнинг ўрни бор. Масалан, 100 нафар иншо ёзганларнинг 18 нафари раҳбар аёлни “Ёқимтой, дилкаш” деб, 20 нафари “Гўзал, жозибали” деб, 30 нафари – “Лобар”, 10 нафари – “Салобатли”, 19 нафари – “Ўзига бино қўйган”, 25 нафари – “Ораста”, 28 нафари – “Назокатли”, 9 нафари эса “Нозик таъб” деб таърифлаган. Тўғри, бу сифатларнинг ҳаммаси ҳам раҳбар аёлни ижобий томондан тавсифламайди. Масалан, “Ўзига бино қўйган”(0,19), “Салобатли” (0,1), “Нозик таъб”(0,09) кабилар кўпроқ амбивалент сифатларга ўҳшайди, чунки улар айнан хотин-қизлар билан ишлаганда, бир томондан, аёллик ғурурини тиклашда, уни баланд кўтаришга хизмат қиласиданга ўҳшайди, лекин иккинчи томондан, айнан хотин-қизлар аудиторияси раҳбар аёлдан кўпроқ раҳбарлик компетенциясини таъминловчи сифатларни кутади.

Хулоса қилиб шуни айтиладики, раҳбар аёлларнинг ўзгалар ва ўз психологик жинси вакиллари ижтимоий тасаввурларида интеллектуал, коммуникатив билимдонликни кўрсатувчи сифатлар қаторида назокатли, салобатли, ёқимтой, дилкаш, назокатли, ораста, лобар каби фазилатларнинг сохибаси эканлигининг тан олиниши уларнинг ижобий имиджида алохida ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси .. / Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги .. 20.01. Фев 2020
2. Ҳайитов О., Умарова Н. Бошқарув психологиясидан қисқача изоҳли луғат..25 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги 327- сонли Конуни. 2012. 26 апрель.
4. Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони // Халқ сўзи, 2017. 8 февраль.